

Сербия футболчилари 1 млн евро ни касал болалар фондига ўтказишди



18:30 / 16.11.2021 1804

Tribuna.uz нашрининг хабар беришича, Сербия миллий жамоаси футболчилари жаҳон чемпионатида чиққанлиги учун берилган 1 млн евро бонусларни касал болаларга ёрдам берадиган фонд ҳисобига хайрия қилишди.

Мамлакат президенти Александр Вучич футболчиларга 1 млн евро мукофот пули ваъда қилгани ва Португалия миллий жамоаси билан бўлган ўйинда (2:1) устидан қозонилган ғалабадан сўнг пул Сербия футбол федерацияси ҳисобига ўтказилди.

Аммо футболчилар ушбу маблағни хайрияга — касал болаларга ёрдам бериш фондида ўтказишга қарор қилишди.